



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 26 [14.077]

Баҳоси эркин нарҳда

ҲАР ҚАЙСИ ДАВЛАТ, ҲАР ҚАЙСИ МИЛЛАТ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИ, ЮКСАК МАЪНАВИЯТИ БИЛАН ҚУДРАТЛИДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғанинг таклифига биноан 19-20 февраль кунлари ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ДЕВОНИ ХАЛҚ КУТУБХОНАСИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 февраль куни Анкара шаҳрида Туркиянинг етакчи компаниялари ва банклари раҳбарлари билан учрашди. Тадбирда Туркия савдо палаталари ва биржалари уюшмаси, Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги, "Гебзе" уюшган саноат зонаси, "Зираат" банки, "Зорлу холдинг", "Жошқунос холдинг", "Экзачибаш", "Байкар", "Дунягоз", "Канимед саглик", "Бау глобал", "Хавелсан" каби қатор компаниялар вакиллари иштирок этди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Туркиянинг вазирлик ва компаниялари ўртасида алоқаларни янада ривожлантириш, ўзаро махсулот етказиб бериш, хизмат кўрсатишни кенгайтириш, клиникалар ва олий ўқув юрталари ташкил этиш бўйича аниқ лойиҳалар муҳокама қилинди. Президентимиз бу режаларни маълум қилишга тез фурсатларда амалий ишларга ўтиш, бюрократик тўсиқларсиз уларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича топшириқлар берди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Анкара шаҳрида Туркия Республикаси Президенти девони Халқ кутубхонасининг тантанали очилиш маросимида иштирок этди. Туркия раҳбари Режеп Таййип Эрдоғани ташаббуси билан бунёд этилган ушбу мажмуа Президент қароргоҳидан ташқари турли давлат муассасалари, конгресс-хол, маданият маркази, масжид ва Халқ кутубхонасидан ташкил топган. 4 миллион босма нашр ва 120 миллиондан зиёд электрон файлда иборат фондага эга кутубхона хизмат доражаси бўйича дунёдаги энг улканларидан биридир. Ушбу маънавий бойлик маскани Президент қароргоҳи — Жумҳур башканлиги саройи ёнида қурилгани ҳам унинг аҳамиятини кўрсатади.

Кутубхона архитектураси, шунингдек, бутун мажмуа лойиҳаси турк муҳандиси Шафик Бирке томонидан миллий меъморлик ва замонавий услубларни уйғунлаштириш ҳолда ишланган. Лойиҳани яратганда бир қанча ривожланган давлатлар зиё масканлари, АКШдаги Президент кутубхонаси, Буюк Британия, Франция миллий кутубхоналари тажрибалари ўрганилган. Кутубхона қурилиши 2015 йили бошланган. Умумий майдони 125 м² микват метрдан иборат бинонинг асосий қисми 11 қават бўлиб, марказий катта гулбаза ва фойе, ўқиб ва кўп тармоқли заллар, қадимий қўлёзма адабиётларни реставрация қилиш лабораторияси, архив мажмуаси, кўрғазма майдонлари, болалар учун аудио ва видео кўриш хоналари, нашрларни сақлаш фондлари, кафе-ресторанлардан ташкил топган.

Ушбу маърифат маскани энг замонавий техник имкониятларга эга бўлиб, янги форматдаги кутубхона хизматларини ўзидан муассасамиз этган. Очилиш маросимида бутун дунёдан икки мингга яқин меҳмон — олимлар, ёзувчилар, таълим ва маданият намояндлари, давлат ва жамоат арбоблари қатнашди. Шавкат Мирзиёев Туркия Президенти томонидан тақдиф этилган олий даражадаги ягона меҳмон бўлди.

Бунда ҳам ўзига хос чуқур маъно бор. Давлатимиз раҳбарининг китобга меҳри, китобхонлик тарғиботидаги эътибори бўлакча. Маърифат, таълим, ёшлар тарбиясига оид халқаро ташаббуслари ҳам барчага маълум. Жорий йил Ўзбекистонда "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили", деб эълон қилинган ҳам илмга эътиборнинг яна бир даллати.

Маросимда Президент Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари шундай муҳим ва шухули воқеага тақдиф учун миннатдорлик билдириб, қардош турк халқини ушбу илм-маърифат маскани билан муборакбод этди.

— Дунёдаги ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат биринчи навбатда ўзининг интеллектуал салоҳияти, юксак маънавияти билан қудратлидир. Бундай энгилмас куч манбаи эса, аввало, инсоният тафаккурининг буюк кашфиёти — китоб ва кутубхоналарда, — деди Президентимиз.

Ўзбек ва турк халқларининг илдириши бир, маънавияти муштарак. Имом Бухорий, Беруний, Хоразмий, Ибн Сино, Жалолоддин Румий, Юнус Эмро, Алишер Навоий мероси халқларимизнинг миллий юксалишига катта ҳисса қўшган. Қозизода Румий Самарқандда мударрислик қилган. Али Қушчи ҳаётининг сўнгги йилларини Истанбулда ўтказган. Абдурауф Фитрат, Мухаммадшариф Сўфизода, Саид Ахрорий каби кўплаб жадид боболаримиз Туркияда таълим олган.

Учрашувда келишувлар ва имзоланган битимларни кенг қўламада амалга ошириш, савдо, инновация, энергетика, инфратузилмани ривожлантириш, транспорт, туризм, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати, бошқа тармоқларда қўшма лойиҳаларни фаол илгари суриш муҳимлиги таъкидланди. Туркиялик ишбилармонлар ўтган йили Ўзбекистонга боргани, иқтисодиётнинг барча тармоқларида ўзгаришларга, одамларда "ислохотлар тафаккури"га гувоҳ бўлганини таъкидлади. Ўзбекистон бозорига кириш, ҳамкорликда истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш ниятида эканини билдирди.

Шу билан бир қаторда "Ropesans Holding" билан Ўзбекистон металлургия компанияси" акциядорлик ҳамиятини модернизация қилиш ва ривожлантиришга 630 миллион евро, Олмалик кон-металлургия компаниясига 4,1 миллиард доллар тўғриван-тўғри инвестициялар киритиш, шунингдек,

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари, азиз қардошим!

Хурматли тadbир иштирокчилари! Хонимлар ва жаноблар!

Аваламбор, мана шундай гоят муҳим ва шухули маросимга тақдиф қилганлари учун Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғани Жаноби Олийлари, муҳтарам Эминэ Хоним Олийларига, қардош турк халқига чин қалбимдан миннатдорчилик изҳор этаман.

Муҳтарам дўстлар!

Қадимий ва замонавий меъморчилик анъаналари, муҳандислик санъатининг энг сўнгги ютуқларини, турк халқининг буюк ўтмиши, бунёдкорлик салоҳияти, бой маънавий оламини ўзида ёрқин муҳассам этган бу маҳобатли қошона ҳар қандай юксак таҳсинга муносибдир.

Агар азим Анкара Туркия мамлакатининг тожи бўлса, ушбу кутубхона ана шу тожга ўрнатилган энг ёрқин, энг гўзал гавҳарлардан бири бўлибди.

Бу тенги йўқ маърифат қасри барчангизга, бутун Туркия халқига муборак бўлсин. Хурматли анжуман иштирокчилари! Биз Туркия Республикаси Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олганини ҳамisha миннатдорлик билан эслаймиз.

Бугунги кунда гўзал мамлакатингиз улкан сиёсий, иқтисодий, илмий ва маданий салоҳиятга эга бўлган давлат сифатида дунёда тобора раванк ва шухрат топиб бормоқда.

Замонамизнинг йирик давлат ва сиёсат арбоби Режеп Таййип Эрдоғани Жаноби Олийлари раҳбарлигида Туркия халқи эришаётган барча ютуқлар замирида, авваламбор, инсон омилига, илм-маърифатга беқиёс эътибор муҳассам эканини биз яхши биламиз. Сизларнинг бу борадаги ноёб тажрибангизни ўрганишга доимо интиламиз.

Сўнгги йилларда икки давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси ва халқларимизнинг қўллаб-қувватлаши билан дўстлик ва ҳамкорлигимиз тарихида мулақоат энг саҳифа очилди. Кеча бўлиб ўтган Олий даражадаги стратегик ҳамкорлик кенгашининг биринчи йиғилиши бу йўлдаги янги амалий қадамдир.

Бугунги кунда Ўзбекистон Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашига қўшилди. Биз барча аъзо мамлакатлар қатори Туркия билан муносабатларимизни янги босқичга кўтариш учун фаол ҳаракат қилмоқдамиз. Давлатларимиз ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, транспорт ва коммуникация, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик жадал ривожланмоқда.

Илм-маърифат ва китобхонлик маданиятига бўлган катта қизиқиш ва эътибор халқларимизни ўзаро яқинлаштирадиган бебаҳо қадриятдир. Мамлакатимизда 2020 йили "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" деб эълон қилганимиз "Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари" деган улуғвор гоямизга тўла мос келади.

Азиз қардошлар!

Тарих саҳифаларига назар солсак, халқларимизнинг маданий ҳамкорлиги олис даврлардан бошланганига гувоҳ бўламиз. Рум элида туғилган қардошамиз Абдурауф Фитрат, муҳтарам Эминэ Хоним Олийларига, қардош турк халқига чин қалбимдан миннатдорчилик изҳор этаман.

Ўз навбатида, Мирзо Улугбекнинг садқатли шоғирди, машҳур астроном ва математик Али Қушчи ҳаётининг сўнгги йилларини Туркияда ўтказгани ва бу юртда аниқ фанлар ривожига беқиёс ҳисса қўшганини ҳам барчамиз яхши биламиз. Али Қушчининг набираси Миром Чалабий ҳам бобоси сингари атоқли аллома бўлиб танилган ва бунда турк илмий-маърифий муҳитининг улкан хизматлари борлиги шубҳасиз. Ўзаро маданий ҳамкорлигимиз ҳақида сўз борганда, буюк шоир ва мутафаккир Алишер

Навоийнинг бу жараёнда гоят муҳим ўрин тутганини таъкидлаш лозим. Тарихий манбалар XV асрда турк ҳукмдори Боязид Иккинчининг Султон Хусайн Бойқаро ва Алишер Навоий билан мактублар ва элчилар орқали ўзаро мулоқотда бўлганидан гувоҳлик беради.

Туркиянинг машҳур олим ва адиблари Алишер Навоийни туркий дунёнинг энг буюк шоири, турк тилининг химоячиси сифатида улуғлаб келдилар. Туркия китоб фондларида бе-назир шоиримиз асарларининг 100 дан ортик қўлёзмалари сақланаётгани ҳам шундан далolat беради.

Алишер Навоий бебаҳо ижоди билан бугун ҳам туркий халқларни маънавий жиҳатдан бирлаштиришга хизмат қилиб келмоқда.

Қадрили анжуман иштирокчилари! Халқимиз тарихининг оғир ва мураккаб даври, яъни XX аср бошида жадид боболаримиз Ватанимиз мустақиллиги йўлида фидойилик билан курашганлар. Бу борада улар туркиялик маърифатпарварлар билан фаол ҳамкорлик қилганлари, бу диёрда таълим олиб, янги гоя ва қарашларга эга бўлганларини яхши биламиз.

Уша йилларда Абдурауф Фитрат, Мухаммадшариф Сўфизода, Саид Ахрорий сингари атоқли адиб ва арбобларимиз Туркияда таҳсил олганлар. Маҳмудхўжа Бехбудий, Ибрат, Абдулла Авлоний, Чўлпон каби ўнлаб улуғ ватандошларимиз турк маданияти ва адабиёти руҳида тарбия топганлар. Минг афсуски, уларнинг аксарияти мустабид тузум даврида сиёсий қатағон қурбони бўлганлар.

Бугунги кунда биз Ўзбекистонда жадидчилик ҳаракатининг ноёб меросини чуқур ўрганиш бўйича катта ишларни бошладик. Ўтган йили мумтоз адибимиз Абдулла Қодирий таваллудининг 125 йиллигини кенг миқёсда ўтказдик. Бу йил машҳур жамоат арбоби, аллома ва адиб Маҳмудхўжа Бехбудийнинг 145 йиллик таваллуд санасини нишонлаймиз. Биз бу аждодларимизнинг ибратли ҳаёти ва фаолиятини қанча кўп ўргансак, бизни ўйлантираётган жуда кўп саволларга тўғри жавоб топамиз.

Айни пайтда Ўзбек мумтоз адабиёти намояндлари билан бир қаторда замонавий шоир ва ёзувчиларимизнинг асарлари ҳам Туркияда мунтазам нашр этилаётганини биз юксак баҳолаймиз. Мамлакатингизнинг бир қатор олий таълим муассасаларида ўзбек тили ва адабиёти ўқитилаётгани, Истанбулда буюк бобомиз Абу Райҳон Беруний номидаги университет фаолият олиб бораётгани бизни умунерс этади.

Гўзал ва бетакрор турк диёрида ўзбек халқи тарихи ва маданияти билан боғлиқ ўнлаб жой номлари — маҳалла ва марказлар, тақиялар юз йиллар давомида безавол сақланиб келмоқда. Бундай бағрикенглик ва дўстона муносабат учун Туркия раҳбарияти ва халқига яна бир бор ташаккур билдиришга ихозат бергайсиз.

Бизнинг юртимизда ҳам турк адабиёти ва санъатига қизиқиш тобора ортиб, улар илмий ва таълим масканларида кенг ўрганилмоқда. Мавлоно Жалолоддин Румий, Юнус Эмро, Аҳмад Пошо, Сайди Али Раис Котибий, Тошлжали Яхё, Ҳамди Чалабий сингари буюк шоирлар ижодини халқимиз севиб ўқийди.

Шу билан бирга, замонавий турк адабиёти, халқ достонлари, антологиялар ўзбек тилида нашр этилиб, китобхонларимизнинг маънавий мулкига айланганини таъкидлаш лозим.

Азиз қардошлар! Биз илм-маърифатни кенг маънода тушунамиз. Шу сабабли юртимизда дунёвий таълим даргоҳлари билан бирга диний мактаб ва мадрасалар, илмий-маърифий марказлар ташкил этилмоқда. Хусусан, Тошкент шаҳрида кўп асрлик маърифат ҳазинасини ўзида муҳассам этилган, фундаментал тадқиқотлар олиб борилган Ислам цивилизацияси марказини бунёд этмоқдамиз.

Самарқандда Имом Бухорий, Сурхондарёда Имом Термизий номидаги халқаро илмий-тадқиқот марказлари фаолият кўрсатмоқда. Уларда бошқа фанлар қатори ҳадис, калом, ақида, тасаввуф, фикҳ илмлари чуқур ўрганилмоқда. Бухородаги Мир Араб олий мадрасаси, Тошкент Ислам маъҳади, Ўзбекистон халқаро Ислам академияси сингари олий ўқув юрталарида етук малакали мутахассислар тайёрланмоқда.

Бу йил ҳадис илмининг султони Имом Бухорий, ақида илмида мактаб яратган алломалар — Абу Мансур Мотуридий ва Абу Муин Насафий-

га бағишланган халқаро илмий конференциялар ўтказиш ниятидаимиз. Шунингдек, улуғ аллома — насли-насаби туркиялик бўлган Абдухалиқ Ғиждувоний ҳазратларининг, Баҳоуддин Наҳшбанд бобомизнинг таваллуд айёмларини, Мир Араб мадрасасининг 500 йиллигини ҳам юқори савияда ўтказишни ният қилганмиз.

2020 йил Бухоро шаҳри — "Ислам маданияти пойтахти", Хива шаҳри — "Туркий дунё маданияти пойтахти", деб эълон қилинди. Шу муносабат билан жорий йил давомида мамлакатимизда бир қатор халқаро анжуманлар ташкил этилади. Туркиялик муҳтарам олим уламоларимиз ушбу маданий-маърифий тадбирларнинг азиз меҳмонлари бўладилар, деб ишонаман.

Қадрили дўстлар! Ҳозирги кунда Ўзбекистонимизнинг китоб фондларида 100 мингдан зиёд ноёб қўлёзма асарлар сақланмоқда. Бироқ, айтиш кераки, уларнинг аксарияти ҳамон ўз тадқиқотчиларини кутиб турибди. Бу маънавий ҳазинани ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва оммалаштириш олдимизда турган муҳим ва шарафли вазифадир.

Фурсатдан фойдаланиб, мен Ўзбекистон ва Туркия университетлари, илмий-тадқиқот муассасалари ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга даъват этаман. Бу жараёнларда Туркиянинг бугун очилаётган ушбу энг улкан кутубхонаси ва 150 йиллик тарихига эга бўлган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ташаббускор бўладилар, деб умид қиламан.

Қадрили анжуман иштирокчилари! Бугун Туркияда катта шодиёна, таъбир жоиз бўлса, маънавият ва маърифат тўйи бўлиб ўтмоқда. Бизнинг халқимизда "Тўйга тўёна билан бормок лозим", деган ҳикматли сўз бор.

Шунга кўра, биз Туркия Президенти девонини Халқ кутубхонасига 350 дан зиёд турли мавзудаги китобларни келтирдик. Уларнинг орасида дунёда яна ноёб бўлган, Ўзбекистон муслмонлари идораси кутубхонасида сақланаётган "Усмон Мусхаф"нинг моҳир ҳаттотларимиз томонидан кўчирилган нусхаси ҳам бор.

Бутун ислом оламининг фахри бўлмиш мавлоно Жалолоддин Румий ҳазратларининг машҳур "Маснавий" асари қўлёзмасининг факсимиле нашрини сиз, азизларга тақдим этамиз.

Маълумки, буюк аллома Абу Бакр ар-Розийнинг "Касалликлар тарихи" номли асари бутун дунёда шухрат қозонган. Бу китобни XVIII асрда истанбуллик табиб, шоир ва ҳаттот Мухаммад Рафъи арабчадан турк тилига таржима қилиб, ўз қўли билан кўчирган. Биз келтирган китоблар ичида ушбу қўлёзманинг факсимиле нусхаси ҳам бор.

Айни вақтда "Алишер Навоий асарларининг Истанбул кутубхоналаридаги тасвирий нусхалари" номли китоб-альбом адабий ҳамкорлигимизнинг чуқур тарихий илдизларидан далolat беради.

Нафақат Туркия, балки бутун муслмон оламининг оташнафас шоири бўлган Юнус Эмронинг "Улмас кўнгул" номли янги китоби яқинда мамлакатимизда ўзбек тилида нашр этилди. Мен ушбу китобга "Сўзбоши" ёзиш шарафига муяссар бўлганимдан бахтиёрман.

Ижозатингиз билан Юнус Эмронинг дўстлик ҳақидаги шёрий сатрларини келтирмоқчиман:

**Менинг тилим — қуш тилидур,
Менинг қўлим — дўст қўлидур.
Мен булбулман, дўст гулмадур,
Билинг, гулим сўлмас менинг.**

Хабарингиз бор, Ўзбекистон Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши доирасида "Туркий адабиёт ҳазинаси" руқнида 100 жилдлик китоблар турқумини нашр этиш гоясини илгари сурган эди. Ана шу эзгу ташаббуснинг илк самараси ўларок, Юнус Эмронинг ушбу асарини ҳам Президент девони Халқ кутубхонасига тақдим этиш менга катта мамнуният бағишлайди.

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари! Азиз дўстлар!

Сизларни бугунги тантанали маросим билан яна бир бор чин юракдан қутлайман. Бу муаззам кутубхона Туркия халқи, Туркия ёшлари учун, илм-маърифатни юксак қадрлайдиган барча инсонлар учун чинакам маънавият саройига айланишини қодир Аллоҳдан сўраб қоламан. Эътиборингиз учун ташаккур.

(Давоми 2-бетда)

ҲАР ҚАЙСИ ДАВЛАТ, ҲАР ҚАЙСИ МИЛЛАТ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИ, ЮКСАК МАЪНАВИЯТИ БИЛАН ҚУДРАТЛИДИР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бугунги кунда Истанбулда Абу Райхон Беруний номидаги университет бор. Туркия китоб фондларида Алишер Навоий асарларининг 100 дан ортқ кўлемлари сақланиб келмоқда.

Давлатимиз раҳбари юртимизда замонавий мактаблар, илмий-маърифий марказлар ташкил этилаётганини таъкидлади.

Самарқандда Имом Бухорий, Сурхондарёда Имом Термизий номидаги халқаро илмий-тадқиқот марказлари, шунингдек, ҳадис, калом, ақийда, тасаввуф, фикҳ мактаблари очилган. Тошкент шаҳрида кўп этакли маърифат ҳазинасини намоян этидиган, фундаментал тадқиқотлар олиб бориладиган Ислам цивилизацияси маркази бунёд этилмоқда.

Бу йил улуг алломалар Абдуҳолиқ Фихудуновий ва Баҳоуддин Нақшбанд таваллудлари бағишланган тадбирлар ўтказилади. Маҳмудхўжа Бехбудий туғилганининг 145 йиллик санаси нишонланади. Шунингдек, жорий йилда Бухоро шаҳри "Ислам маданияти пойтахти", Хива шаҳри "Туркий дунё маданияти пойтахти" деб эълон қилинган муносабати билан бир қатор халқаро анжуманлар ташкил этилиши режалаштирилган.

Президентимиз туркиялик олимлар, адабиётшунос ва диншуносларни ушбу маданий-маърифий тадбирларга таклиф этди. Ўзбекистоннинг китоб фондларида 100 мингдан зиёд ноб кўлемда асарлар сақланаётгани, уларнинг аксарияти ўз тадқиқотчиларини кутаётганини таъкидлади.

Туркия Президенти ушбу қувончли айёмда Ўзбекистон Президенти рафиқаси билан бирга иштирок этаётгани учун ташаккур изхор этди.

– Ўзбекистон биз учун маданий тасаввуримизни шакллантирган, олимларни етиштирган, илм, ирфон ва маънавий дунёимизни таъминлаган ҳаётий манбаларимиздан энг муҳимидир, – деди Режеп Таййип Эрдоған. – Илм муҳити асрлар давомида Тошкент билан Анқара, Самарқанд билан Конё, Бухоро билан Бурса, Хива билан Эдирнене боғлаб, ўзаро бойитгандир. Бу кун Халқ кутубхонасини Жаноби Олийлари билан биргаликда очиб, муштарак маданиятимиз ҳақида бутун дунёга муҳим бир ишора бермоқдамиз.

Шавкат Мирзиёев дунёда ўта ноб бўлган "Усмон Мусҳаф"нинг хатотларимиз томонидан кўчирилган нусхаси, Жалолиддин Румийнинг машҳур "Маснавий" асари ҳамда Абу Бакр ар-Розийнинг "Касалликлар тарихи" асари кўлемларининг факсимиле нусхалари, "Алишер Навоий асарларининг Истанбул кутубхоналаридаги тасвирий нусхалари" номли китоб-альбом, Юнус Эмро шеърларининг ўзбек тилига таржимаси жамланган "Улмас кўнгул" деб номланган китобларни кутубхонага туҳфа қилди.

Шунингдек, Туркия Республикаси Президенти девони Халқ кутубхонасига 350 дан зиёд турли мавзудаги китоблар тақдим этилди.

Давлат раҳбарлари рафиқалари ҳамроҳлигида Туркия Республикаси Президенти девони Халқ кутубхонаси фаолияти билан танишди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ва рафиқаси мазкур маҳабатли кошонанинг биринчи фахрий меҳмонлари бўлишди.

Ноб китоблар кўргазмаси намойиш этилди. Туркия Президенти давлатимиз раҳбарига ноб китоблардан бирини совға қилди. Давлат раҳбарлари биргаликда Ўзбекистондан келтирилган китоблар кўргазмаси билан ҳам танишдилар.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркия Республикасига ташириф ақуналанди. Олий даражадаги Ўзбекистон – Туркия мулоқотининг янги форматига асос солган ушбу ташириф мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг муҳим истисқобларини белгилаб берди. Ўтказилган учрашув ҳамда музокаралар, имзоланган ҳужжатлар, эришилган келишувлар икки давлат муносабатлари ва қардош халқлар дўстлигини ҳар томонлама мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Матназар ЭЛМУРОДОВ,
ЎЗА МАХСУС МУХБИРИ,
Анқара

ПРЕЗИДЕНТ МУРОЖААТИ ЯНГИ ЛОЙИҲАГА ҚЎЛ УРИШГА ЗАМИН ЯРАТДИ

Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев 24 январь кунки мамлакатимиз Парламентига Мурожаатномасида олий таълим тизимини оптималлаштириш ҳақида бир қанча фикрлар билдирди. Хусусан, 2020 йилда мактаб битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш даражасини камида 25 фозга ва келгусида 50-60 фозга етказиш лозимлиги, олий ўқув юрталарига талабалар қабул қилиш давлат грантлари 2 баробар кўпайтирилиши, қизлар учун алоҳида грантлар ажратилиши ҳақида тўхталиб ўтди.

Президент 2020 йилги устувор йўналишлар борасида сўзлар экан, илғор хорижий тажриба асосида иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳаларни юқори малакали кадрлар билан таъминлаш мақсадида олий таълим тизимида яқиний имтиҳонлар ва тест топшириш тизими қайта кўриб чиқилишини қайд этди.

Бошқа илғор давлатлар олий таълим тизимида яқиний имтиҳонлар ва тест топшириш тизимини кўп йиллардан буён ўрганиб, "Юридик амалиётда халқаро тенденциялар" мавзусида янги лойиҳа яратиш устида иш олиб боришни режага киритгандим. Юртбошимизнинг Мурожаатлари биз каби олий таълим соҳасида ишлаб, янги лойиҳаларни амалга ошириш ниятида юрган педагогларга қанот бўлди.

Таъкидлаш жоизки, Тошкент давлат юридик университетида илмий фаолият билан шуғулланиш истагидигилар кўпчилигини ташкил этади. Лекин уларни қўллаб-қувватлаш бироз мушкул вазифа эди. Шунга қарамай, 2019 йилнинг сентябрь-декабрь ойларида илмий тадқиқот фаолиятини янада такомиллаштириш, илмий иш билан шуғулланиш истагида бўлган ходимларни қўллаб-қувватлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилди. Қисқа давр мобайнида 15 нафар докторант ва мустакил изланувчилар, шундан 3 нафари (DSc), 12 нафари (PhD) ил-

мий даражасини олиш учун докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. 4 нафар доцент ҳамда 3 нафар профессор илмий унвонга эга бўлди. Шу билан бирга бир неча ходимларнинг янги лойиҳалари, илмий мақолалари халқаро эътироф этилган журналларда чоп этилди. Илмий салоҳияти 30 фоздан 35 фозга кўтарилди. Мана энди юртбошимиз Мурожаатларида қайд этилганидек, ушбу лойиҳа ва илмий изланишларга хориж тажрибасини мамлакатимизда жорий этиш мавзусида иш кириб боради.

Яна бир қувончли жиҳати, Тошкент давлат юридик университети талабаси бўлиш орзусида юрган кўплаб ёшларга инглиз тилидан қўшимча сабоқ берганман. Улар орасида қиз болалар сони ўғил болаларникидан кўп бўлса-да, университетга кирган талабаларнинг кўп қисмини ўғил болалар ташкил этади. Эндиликда Президент Мурожаатидан сўнг қиз болалар учун алоҳида квота ажратилиши нафақат ёшларни, балки биз ўқитувчиларни ҳам қувонтирди. Илмга чанқоқ қизлар бу имкониятлардан фойдаланиб, талаба бўлиш шарафига эришадилар. Жамиятимизда аёллар ҳам муносиб ўрин эгаллаб, юртимиз ривожига ўз ҳиссасини қўшади.

**Дилсўз ЗОЙИРОВА,
Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси**

Узоқ йиллар давомида Қуролли Кучларимизни ҳарбий ва икки мақсадда фойдаланиладиган маҳсулотлар билан таъминлаш асосан импорт ҳисобидан амалга оширилиб келинган. Ушбу ҳолат нафақат миллий армиямизни ҳарбий ва махсус техника, қурол-аслаҳа ва бошқа зарур жиҳозлар билан ўз вақтида таъминлаш, балки мамлакат ҳарбий хавфсизлигини таъминлаш каби стратегик йўналишда хорижий давлатларга боғланиб қолишдек ҳолатни юзга келтирган эди.

МУДОФАА ҚОБИЛИЯТИНИ МУСТАҲКАМЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Айни пайтда, республикамизда мавжуд муудофаа аҳамиятига эга бўлган "Чирчик авиация таъмирлаш заводи" давлат корхонаси, "Восток" илмий ишлаб чиқариш биноларида давлат унитар корхонаси каби бир қатор корхоналар оғир иқтисодий аҳволга кўндалди.

Мамлакатимиз ривожланишининг янги босқичида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёевнинг ташаббусига кўра, 2017 йил 20 ноябрда давлат муудофаа буортмаларини шакллантириш ҳамда муудофаа аҳамиятига эга бўлган ишлаб чиқариш соҳасида янги давлат сибсантини олиб боришга масъул бўлган давлат органи – Ўзбекистон Республикаси Муудофаа саноти бўйича давлат кўмитаси тўзилди.

Кўмитанинг асосий вазифалари сифатида давлат муудофаа буортмаларини шакллантириш ва бақаришни таъминлаш, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органилари, маҳаллий ихро этувчи ҳокимият органилари, ташкилотларнинг муудофаа саноти соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш, қурол-аслаҳа, ҳарбий ва махсус техникалар ҳамда бошқа мулкни ишлаб чиқариш, таъмирлаш, модернизация қилиш, халқаро ҳарбий ҳамкорликни йўлга қўйиш каби долзарб вазифалар белгиланди.

Утган икки йил мобайнида кўмита томонидан мамлакатимиз санотидаги ҳарбий ва икки мақсадда фойдаланиладиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш салоҳиятини ривожлантиришни таъминлаш ва миллий армиямизни замонавий қурол-ароғ, жанговар техника, махсус воситалар ва айрим турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича мақсадли ишлар бақариб келинмоқда.

Жумладан, дунёнинг 20 дан ортқ ривожланган давлатлари билан ҳарбий-техник ҳамкорлик ўрнатилди, 6 та хорижий давлат билан ҳужжатларга комиссия фаолияти йўлга қўйилди, 10 дан ортқ давлатлар билан ҳарбий-техник ҳамкорлик йўналишида халқаро битми ва келишувлар имзоланди. Тизимли равишда замонавий қурол-аслаҳа ва жанговар техникаларни харид қилиш ишлари амалга оширилмоқда.

Қуролли Кучларимизнинг ҳарбий ва икки мақсадда фойдаланиладиган маҳсулотларга бўлган талабларини ўз вақтида ва сифатли бақариш мақсадида 2018-2019 йилларда "КамАЗ" автомобиль шассисига юк ва махсус автомобиль техникаларини, ҳарбий мақсад-

да фойдаланиладиган радиоалоқа воситалари, нафас олиш органилари ҳимоя воситаларини, озиқ-овқат паёклар ва бошқа турдаги ҳарбий ва икки мақсадда фойдаланиладиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича бир қанча тармоқларга лойиҳалар амалга оширилди.

Муудофаа вазирлиги куч ва воситаларини жалб қилган ҳолда мавжуд моддий ва маънавий жиҳатдан эскирган қурол-аслаҳаларни модернизация қилиш бўйича ишлар изчил амалга оширилмоқда.

Жумладан, БМ-21 "Град" русумли япони ўчиш реактив тизими янги замонавий дизель ўрнатилди ва бу тизим амалий синовлардан муваффақиятли ўтди. БТР-70 русумли транспортёрга янги замонавий дизель двигатели, узатиш қўтири ўрнатилиб мобил имкониятлари оширилди. Шунингдек, шахсий таркиб ҳимоясини ошириш мақсадида қўшимча лорх ва кумулятив панжара билан жиҳозланди.

Т-64 русумли танкнинг куч бўлими тўлиқ реконструкция қилиниб, замонавий катта қувватга эга двигатель ва трансмиссия агрегатлари қўйилди, рақамли алоқа воситалари билан жиҳозланди. Газ-66 русумли автомобилларига "ISUZU" двигателлари ва узатиш қўтирларини ўрнатган ҳолда модернизация қилиш йўлга қўйилди. Бу, ўз навбатида, уларнинг ҳаракатчанлиги ва мобил имкониятларини оширди.

Шунингдек, "КамАЗ" автомобиллари шассида барча шароит ва ҳудудларда қўшилар бошқарувини таъминлай оладиган мобил кўмондонлик бошқарув пункти, шунингдек, замонавий асбоб ва усқуналар билан жиҳозланган, ҳар қандай мураккаб тиббий амалиётларни амалга оширишга қодир тиббиёт пункти яратилди.

Бундан ташқари, "Чирчик авиация таъмирлаш заводи" ДК реконструкция қилиниб, тўлиқ капитал таъмирдан чиқарилди ва технология жиҳатдан қайта жиҳозланди, бунинг натижасида корхона томонидан қўрсатилган хизмат турларини кенгайтириш имкони яратилди. Жумладан, Ми русумида вертолётларнинг таъмирланаётган жиҳозлари номенклатураси ортади, Су-25 русумли самолётларни таъмирлаш ўзлаштирилмоқда.

"Восток" ИИБ ДУКда бугунги кунда ўқотар қуроллар учун ўқ-дорилар ишлаб чиқаришмоқда. Амалга оширилган тадбирлар натижасида 2020 йилнинг

биринчи ярмида янги турдаги патронлар ишлаб чиқарувчи линиянинг ишга туширилиши режалаштирилмоқда.

Ҳарбий кийим-анжомларни ишлаб чиқариш бўйича Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси тузилиб, 2019 йилда дастлабки цех фаолияти йўлга қўйилди. 2020 йил II кварталда корхона тўлиқ қувватда ишга туширилиши режалаштирилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси Муудофаа саноти бўйича давлат кўмитаси томонидан кўмита тасарруфидаги ("Восток" ИИБ ДУК, "Чирчик авиация таъмирлаш заводи" ДК, "Иновацион технологиялар маркази", "MS TextMash" ва "MS RemTex" МЧЖлар) ва маҳаллий корхоналари ("КРАНТАС", "ISUZU" ва бошқалар) да ишлаб чиқарилаётган ҳарбий ва икки мақсадда қўлланадиган маҳсулотлар ва хизматлар кўрсатиш кўрсаткичларини икки баробарга ошириш режалаштирилган.

Аммо шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, юқорида амалга оширилган ишлар ва эришилган натижалар миллий армиямизни замонавий қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникалар билан таъминлашга қодир бўлган тўлақонли муудофаа саноти секторини барпо этиш учун етарли эмас. Юқорида белгиланган пировард натижаларга эришиш ҳамда мамлакатимиз муудофаа салоҳиятини мустаҳкамлаш мақсадида 2020-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси муудофаа саноти янада ривожлантиришга қаратилган амалий ҳаракатлар режаси "Йўл харитаси" ишлаб чиқилмоқда.

Ушбу режада Ўзбекистон Республикаси Президенти – Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январьдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасидан келиб чиққан ҳолда 2020 ва кейинги йилларда асосий эътибор Қуролли Кучларимизни замонавий қурол-аслаҳа, ҳарбий ва махсус техника ҳамда бошқа маҳсулотларга бўлган эҳтиёжларини тўлиқ таъминлашга, маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини такомиллаштиришга, ишлаб чиқарилаётган ҳарбий ва икки мақсадли маҳсулот турлари ва номенклатурасини кўпайтиришга, корхоналарга турли имтиёзлар яратган ҳолда маҳсулотлар тантанарини тушириш ва уларнинг экспортбоғлигини оширишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Муудофаа саноти бўйича давлат кўмитаси

Тошкент шаҳар ҳокимининг ҚАРОРИ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ 2020 ЙИЛДА МАЖБУРИЙ ТЕХНИК КЎРИҚДАН ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

"Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аҳборотномаси, 1999 й., 9-сон, 215-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январьдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган "Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низомга (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 1-2-сон, 17-модда) мувофиқ, юридик шахсларга, шунингдек, хорижий юридик шахсларга тегишли бўлган 2020 йилда мажбурий техник кўригини (кейинги ўринларда матнда "техник кўриқ" деб юритилади) ташкил қилиш мақсадида, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Аҳборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда) асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тошкент шаҳридаги транспорт воситалари 2020 йилда белгиланган тартибда мажбурий техник кўриқдан ўтказилсин.

2. Тошкент шаҳрида транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш бўйича комиссия таркиби 1-иловага, Тошкент шаҳрида рўйхатга олинган юридик шахсларга тегишли транспорт воситаларини 2020 йил учун мажбурий техник кўриқдан ўтказиш жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Тошкент шаҳрида транспорт воситалари жорий йилда кўйидаги даврийликка мувофиқ:

тижорат асосида йўловчилар ташиш учун фойдаланиладиган энгил автомобиллар, автобуслар ва ўтирила-диган жойлар сони 8 та ва ундан ортқ бўлган (ҳайдовчининг ўрнидан ташқари), одамларни мунтазам ташиш учун жиҳозланган юк автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазили ва хавфли юкларни ташиш учун махсус транспорт воситалари ҳамда уларга тиркамалар — бир йилда икки марта (биринчи марта — 1 март - 30 июнда, иккинчи марта — 1 сентябрь - 31 октябрда);

ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан кўп бўлмаган (ишлаб чиқарилган йили ҳам шу жумлага кирди) транспорт воситалари (тижорат асосида йўловчилар ташиш учун фойдаланиладиган энгил автомобиллар, автобуслар ва ўтирила-диган жойлар сони 8 та ва ундан ортқ бўлган (ҳайдовчининг ўрнидан ташқари), одамларни мунтазам ташиш учун жиҳозланган юк автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазили ва хавфли юкларни ташиш учун махсус транспорт воситалари ҳамда уларга тиркамалардан ташқари) — икки йилда бир марта;

ишлаб чиқарилган йилини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан ортқ бўлган транспорт воситалари, шунингдек, ишлаб чиқарилган вақти аниқланмаган транспорт воситалари (тижорат асосида йўловчилар ташиш учун фойдаланиладиган энгил автомобиллар, автобуслар ва ўтирила-диган жойлар сони 8 та ва ундан ортқ бўлган (ҳайдовчининг ўрнидан ташқари), одамларни мунтазам ташиш учун жиҳозланган юк автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазили ва хавфли юкларни ташиш учун махсус транспорт воситалари ва уларга тиркамалардан ташқари) — бир йилда бир марта;

тиркамалар кўриқка транспорт воситаси — шатақчи учун белгиланган мuddатларда;

навбатдаги техник кўриқдан ўтказишини илгари ўрнатилган мuddатларидан қатъий назар, уларни Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати (кейинги ўринларда матнда "ДИХХХ" деб юритилади) органиларида рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) вақтида;

улар ишлаб чиқарилган йилдан қатъий назар, ДИХХХ органиларида рўйхатдан ўтказилган (қайта рўйхатдан ўтказилган) кундан бошлаб бир йил ўтган (мажкур банднинг иккинчи хатбошида қўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно) техник кўриқдан ўтказилди.

4. Юридик шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 1 март — 30 июнда ўтказилади.

5. Жисмоний шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 1 январь — 31 августда ўтказилади.

6. Транспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда йилги ундирлиди.

7. Тошкент шаҳар ИИББ ЙХХБ (Р.Жалилов), туман ҳокимликлари:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январьдаги "Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 54-сон қарорининг 3-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, Муудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий бўлимлари транспорт воситалари кўрсатиб ўтилган идоралар томонидан белгиланган тартибда техник кўриқдан ўтказилиши инобатга олинсин.

8. Тошкент шаҳар ИИББ ЙХХБ (Р.Жалилов): транспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказиш тартиби ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали омма эътиборига етказиш ишлари ташкиллаштирилсин; юридик шахсларга тегишли транспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказишда юридик шахсга, тегишли ҳужжатларни илова қилинган ҳолда, техник кўриқ ўтказиладиган мuddатлар тўғрисидаги билдирিশнома юборилиши, техник кўриқ бошланишидан камида бун кун олдин белгиланган тартибда юридик шахсдан тегишли ҳужжатлар тақдим қилиниши;

жисмоний шахсларга тегишли транспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказишда, техник кўриқдан ўтказиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда транспорт воситаси эгасидан ёки унга ваколатли шахслар томонидан тегишли ҳужжатлар тақдим қилиниши;

техник кўриқдан ўтказилмаган транспорт воситаларини йўлга чиқарган комиссия таркибидидаги масъул ходимлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилиши ҳақида оголлантирилсин.

9. Техник кўриқ давомида комиссия таркибиде иш олиб борган ходимларнинг доимий иш жойларидаги ойллик иш ҳақлари сақланиб қолиниши инобатга олинсин.

10. Мажкур қарор "Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.toshkent.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

11. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга кирди.

12. Мажкур қарор ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Б.Раҳманқуллов зиммасига юклансин.

**Тошкент шаҳар ҳокими
Ж.Артиқходжаев**

2020 йил 18 февраль

XXI сақоси
Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Термизда меҳмонхона ва уй меҳмонхоналар, туроператорлар ҳамда гид-таржимонлар учун сайёҳларга хизматлар кўрсатиш турини кўпайтириб, сифатини оширишга бағишланган семинар бўлиб ўтди. Семинарда меҳмонхоналарда сайёҳларга хизматлар кўрсатиш сифатини янада яхшилаш, хизматлар кўрсатишга хорижий тилларни биладиган ходимларни ишга жалб этиш, уларнинг малакасини ошириш, бошқа вилоятлардаги меҳмонхоналар ходимлари билан ўзаро тажриба алмашиши учун қудлай имкониятлар яратиш, ижтимоий тармоқларда меҳмонхоналарда яратилган шароитлар, қўлайликларни кенг тарғиб қилиш, туропе-

раторлар билимини ва кўникмасини мустаҳкамлаш юзасидан таклиф ва тавсиялар билдирилди. Семинарда иштирокчилар муаммолари ўрганилиб, уларни ҳал этиш юзасидан зарур чоралар белгиланди. Уларни қизиктирган саволларга атрафли-ча жавоб берилди.

• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, "Ўзбекгидроэнерго" акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Абдуғани Сангинев Сурхондарё вилоятида бўлиб, Узун, Саросиё ва Денов туманларида аҳоли билан учрашди. Саросиё тиббиёт коллежиде бўлиб ўтган учрашувда Президентимизнинг Олий Мажлис Сенатининг биринчи ялли мажлисидаги нутқи ва Олий Мажлисга Мурожаатномаси мазмун-моҳияти ҳақида атрафлича фикр алмашилди. Янги Ўзбекистонни келгусида ривожлантиришнинг узоқ мuddатга мўлжалланган стратегик йўллари, жамиятнинг ислохотларининг ташаббускорига айлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар ва галдаги вазифалар хусусида сўз юритилди.

• Ўзбекистонда 91 та спорт-таълим муассасаси ташкил этилди. 2020 – 2024 йилларда босқичма-босқич қуриладиган спорт иншоотларида 23 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, шунингдек, етарли спорт иншоотларига эга 68 та уларнинг филиаллари ташкил этилади.

ЖАҲОНДА

• Ҳиндистон шимоли-ғарбидаги Тарн-Таран округида диний байрамни нишонлаш чоғида мушаклар портлаши оқибатида ўндан ортқ киши ҳалок бўлди. Бахтсиз ҳодиса пакидлоқлардан чиққан учқунлар аравадаги мушаклар устига сачраши оқибатида юз берган. Панжоб полицияси мажкур ҳолатни тасдиқлади. Гувоҳларнинг сўзларига кўра, 14-15 киши воқеа жойида ҳалок бўлган ва 3 киши оғир аҳволда шифохонага жойлаштирилган.

• Apple компаниясига iPhone'лар ишлаши секинлашгани сабабли Францияда 25 млн. евролик жарима солинди. Таъкидланишича, компания истеъмолчиларга iPhone смартфонлари операцияси тизими янгилашни қурилмаларнинг ишлашини секинлаштиришини маълум қилмагани учун жаримага тортилган. "Истеъмолчилар айфонларидаги операцияси тизимнинг эски версиясига қайта олишмагач, қурилмаларидаги аккумуляторларни алмаштиришга ва ҳаттоки янги телефон сотиб олишга мажбур бўлишган", деб айтган истеъмолчилар ҳу

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "SQB Insurance" сугурта компанияси томонидан Президентимизнинг 2019 йил 2 августдаги "Ўзбекистон Республикасининг сугурта бозорини ислох қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан белгиланган вазифалар ижросига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

МИЛЛИЙ СУГУРТА ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Маълумот ўрнида айтиш кераки "SQB Insurance" савдо белгиси остида хизмат кўрсатувчи "PSB Insurance" МЧЖ сугурта компанияси 2018 йил 28 ноябрда давлат рўйхатидан ўтган. Компания таъсисчиси "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ бўлиб, унинг устав капитали 30,0 млрд. сўм ҳажмида тўлиқ шакллантирилган. Компаниянинг дастлабки фаолияти 2019 йил 5 апрелда Молия вазирлиги томонидан берилган СФ 00240-сонли лицензияга мувофиқ бошланган.

Анжуманда давлатимиз раҳбарининг маъмурият қарори ижроси доирасида сугурта компаниялари, жумладан, "SQB Insurance" томонидан сугурта бизнесига инновацион ёндашиш, юридик ва жисмоний шахсларнинг талаб ва тақлифлари асосида янги инновацион сугурта хизматларини ишлаб чиқиш, бошқарув ва сотув жараёнларида ИТ-технологияларини кенг жорий қилган ҳолда миллий сугурта хизматлари бозорини ривожлантириш йўлида қатор ишлар амалга оширилган таъкидланди.

Компания 2019 йил 16 августда умумий сугурта соҳасининг барча 17 класс буйича мажбурий ва ихтиёрий сугурта турларини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлганлиги, республиканинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида ўз филиалларини очиб, улар сонини 14 тага етказганлиги маълум қилинди. Шунингдек, аҳолининг барча қатламга мўлжалланган, соддаштилган шартларни ўз ичига олган ва энг асосийси, аҳоли учун қулай нархларда сугурта маҳсулотлари ишлаб чиқилганлиги қайд этилди. "Менинг оилам", "Менинг уйим", "Катта уй", "KASKO-PREMIUM", "KASKO-SILVER", "SWEET HOME", "MY CARD", чет элга чиқувчилари (саёҳатчилар)ни сугурталаш ҳамда жисмоний шахсларни бахтсиз ҳодисалардан сугурталаш каби сугурта маҳсулотлари шулар сирасига киради. Тадбирда сугурта маҳсулотлари ҳақида батафсил маълумотлар берилди.

Бундан ташқари, компания томонидан бошқарув ва сотув жараёнларида ИТ-технологияларини кенг жорий қилиш, мижозларга замонавий, сифатли ва текзор сугурта хизматларини кўрсатиш мақсадида "SQB Online" платформаси ишга туширилди. Сугурта хизматларининг "Telegram-bot" орқали ҳам сотуви йўлга қўйилган.

Компания ички ва ташқи сугурта хизматлари бозорларида қайта сугурталаш хизматларини ҳам кўрсатиш имконига эга. Айни пайтда шу йўналишда 22 та компания билан ҳамкорлик ўрнатган, "СКАЛА брокер" (Россия) ва "MOI Broker" (Қозғистон) халқаро қайта сугурталаш брокерлари билан шартномалар тузган. Натижда жорий йилнинг 1 январь ҳолатига қара, қайта сугурталаш хизматлари буйича 394 та шартнома имзолаб, 1,4 млрд. сўм ҳажмида сугурта муқофотлари тушумини таъминлаган.

Халқаро ҳамкорлик борасида "SQB Insurance", шунингдек, Туркиянинг REMED Assistance (Туркия) халқаро ассистанс компанияси билан саёҳатчиларни сугурталаш лойиҳаси доирасида иш олиб бормоқда.

Анжуманда ўтган давр мобайнида компания томонидан амалга оширилган ишлар аниқ кўрсаткичлар доирасида сарҳисоб қилинди.

Унда 2020 йилнинг 1 январь ҳолатига қўра, компания томонидан йиғилган сугурта муқофотлари ҳажми 21,1 млрд. сўмни ташкил этиб, шундан 8,9 млрд. сўм юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкни, 4,1 млрд. сўм юридик ва жисмоний шахсларнинг транспорт воситаларини, 1,2 млрд. сўм жисмоний шахсларни бахтсиз ҳодисалардан сугурталаш, 607,0 млн. сўм мажбурий сугурталаш ва 6,3 млрд. сўм молиявий қалтисликлардан сугурталаш ва бошқа сугурта турлари ҳисобига тўғри келганлиги қайд этилди.

Шунингдек, 15 724 донга сугурта шартномаси тузилган бўлиб (шундан 85 фоиз жисмоний шахслар, қолган қисми эса юридик шахслар ҳисобига тўғри келди), 9 294,8 млрд. сўм сугурта ҳимояси тақдим қилинди. Олинган сугурта жавабгарликларининг 3 709,3 млрд. сўми ёки 39,9 фоиз бошқа қайта сугурта компанияларида қайта сугурталанди. 69 та давво аризаси буйича 155,0 млн. сўм миқдорда сугурта қопламалари тўлаб берилди.

Компания активлари 2019 йил бошига нисбатан 156,3 фоизга ошиб, 46,9 млрд. сўмни, шакллантирилган сугурта захиралари миқдори 15,6 млрд. сўмни ташкил қилмоқда. Компания активлари юқори ликвидликка эга бўлиб, унда инвестиция қўйилмаларининг улуши 93,4 фоизга тенгдир.

Зиёда РАСУЛОВА

Тошкентда 22 март кун Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган II Тошкент халқаро марафони ўтказилади.

МАРАФОН ХАЛҚ САЙИЛЛАРИГА УЛАНИБ КЕТАДИ

Тадбирга тайёргарлик жараёни ҳақида Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигида ўтказилган матбуот анжуманида маълумот берилди. Марафон жисмоний тарбия ва оммавий спортнинг кенг тарғиб қилиш, хоржий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш, спорт туризмни ривожлантириш, ёшлар орасидан қобилиятли спортчиларни саралаб олиш, юртдошларимизнинг баҳорий кайфиятини кўтариш мақсадида ташкил этилмоқда.

Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон енгил атлетика федерацияси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги марафон ташкилотчилари саналади.

Марафоннинг бошланиш ва етиб келиш жойи "Хумо Арена" муз саройи олд майдони, деди жисмоний тарбия ва спорт вазири ўринбосари Элбек Шукуров. Спортчилар натижаларини аниқ билиб олиш учун вақт ўлчов чиплари, махсус транспондер тизими орқали амалга оширилади. Марафон ва ярим марафон масофаларида вақт чеклови белгиланган.

Утган йилги халқаро марафонда 28 давлатдан 1600 дан ортиқ иштирокчи қатнашган. Бу йил 30 дан ортиқ давлатдан 6 минг иштирокчи келиши кутилмоқда. Иштирокчилар 18 ёшдан кичик бўлмаслиги керак. 3 километр ва 1,5 километр

масофага югуришда ёш чегараси белгиланмаган.

Наврўз байрами кунлари ўтказилади марафон халқ сайиллари улааниб кетади. Иштирокчилар байрам томошаларидан баҳраманд бўлиш имконига эга бўлади.

Марафонда иштирок этишни истовчилар белгиланган бадал пулини тўлаган ҳолда 15 мартта қадар www.uzmarathon.uz сайтида рўйхатдан ўтиши мумкин. Рўйхатдан ўтишга улгурмаганлар 19-21 март кунлари иштирокчиларга пакетлар тақдирланади ва ҳам ариза топшириш имконига эга, деди Ўзбекистон енгил атлетика федерацияси бош котиби Камолиддин Рўзамуҳамедов.

Марафон муқофот жамғармаси 350 миллион сўм. Эрак ва аёллар алоҳида, 1 ўридан 8 ўринга 30 миллион сўмдан 4 миллион сўмгача, ярим марафонда 12 миллион сўмдан 3 миллион сўмгача пул муқофоти, медаллар билан тақдирланади. Шунингдек, 3 ва 1,5 километр масофа натижалари қўра 1-3 ўрин эгалари 3 миллион сўмдан 1 миллион сўмгача пул муқофоти, медалларни қўлга киритиши мумкин. Тадбир ташкилотчилари ва ҳомийлари совғалари ҳам бор.

Хуршид КОДИРОВ

Мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган тизимли ишлар ўз самарасини бериб келмоқда. Қурилиш соҳасидаги тизимли ишлар ҳам шулар жумласидан.

СОҲАНИНГ ЯНАДА ТАРАҚҚИЙ ЭТИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Президентимизнинг 2019 йил 27 майдаги Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, капитал қурилишда "Корпусинвэст соҳа" лойиҳасини амалга ошириш буйича тасдиқланган Йўл харитасининг 3.1-банди ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигида "Шаффоф қурилиш" ахборот тизими мавзусидаги махорат дарслари ташкил этилди.

Унда "Enterge" хоржий компанияси экспертлари ўзбекистонлик ҳамкасблари билан тажриба алмашди. Туркиялик мутахассислар "Пудрат ташкилотларини рейтинг баҳоланиши", "Қурилиш жараёнида электрон мониторинг тизимини қўллаш" ҳамда "Соҳада профессионал малякка тизимини яратиш" мавзуларида тақдиротлар ўтказди.

Унда икки йилдан буюн Тошкентда фаолият олиб бормоқда-миз. Хизматларимизни тақлиф этган ҳолда пойтахтингда қўллаб қурилиш лойиҳаларини амалга оширилишида иштирок этиб келмоқдамиз, — дея ўз фикрини билдирди "Enterge" компанияси раҳбари Кемал Окмуш. — Туркияда компаниямиз тажрибаси қурилиш лойиҳалари ва қурилиш ишлари бошқарувида самарали амалиёт сифатида муносиб баҳоланган. Хозирда Ўзбекистон, қўллаб соҳалар, айниқса қурилишда ҳам тараққиётнинг мутлоқ янги боқичдан ўтмоқда. Айнан мана шундай муҳим бир жараёнда ва айниқса Ўзбекистон ҳамда Туркия давлатлари ўртасидаги ўзаро дўстона ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашда иштирок

этиб электрон тизимга ўтиши назарда тутилган. Бунда лойиҳачи масофадан туриб, интернет орқали лойиҳасини экспертиза бошқарувида жўналади. Маъмур тизимини қўллашда қўра қўра билан сарсон бўлишининг олдини олиши ва вақтинчи тежаган ҳолда ишнинг тез битиришига қўмақлашишида. Яна бир муҳим жиҳат бунда лойиҳачи ва уни ишни қўриб чиққан инспектор бир-бирларини қўрайдиган ва табиийки натижада коррупцияга йўл қўйилмайди.

Илгор давлатлар тажрибасини ўрганган ҳолда қурилиш ишлари тендерини ягона муқаммал портални ишлаб чиқиш зарурлиги ҳам айтилди. 2020 йил июль ойига қадар ривожланган хоржий давлатлар мутахассис консултантлари билан муқаммал тендер портални ишлаб чиқиш. Натижда Давлат дастурлари ягона портал орқали рақамли шаклда бўлади, бу эса шаффофликни таъминлайди.

Эндиликда пудрат ташкилотларини рейтинг ишлаб чиқиш, ташкилот ишчи муҳандислари сифатини ўз ичига оладиган рейтинг тизимини яратилади. Унда: 1. Ишчи муҳандисларнинг касбий билими; 2. Корхона бажарган ишлари қўлами; 3. Солиқ тўлови; 4. Банкдаги ҳисоби ва шу каби омилларни ўз ичига олади.

Амалга оширилаётган ишлар соҳани янада тараққий этишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Матбуот хизмати

ИННОВАЦИОН МАРКАЗ ИШГА ТУШИРИЛАДИ

Ўзсаноатқурилишбанк Мирзо Улўбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети билан ахборот-коммуникация технологиялари ва математика йўналишида мутахассисларни жалб қилиш буйича ўзаро англашув меморандумини имзолади.

Келишувга қўра, банк томонидан университетнинг юқори бошқаруш талабалари учун стипендия ажратилиши режалаштирилган. Бунда стипендия банкдаги амалиёт жараёнларини алоҳида даражада ўтаган ва тегишли комиссия сўхбатидан муваффақиятли ўтган талабаларга мўлжалланиши қўра тутилган.

Бундан ташқари, банк тизимда инновацион ечимларни жорий қилиш мақсадида талабаларнинг шу соҳага доир янги дастурий тизимларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш мақсад қилинган.

Бунинг учун университет биносида "Ўзсаноатқурилишбанк инновацион маркази" ишга туширилади. Марказда талаба-ёшлар дастурий таъминотлар яратиш, уларни банк ахборот-коммуникация технологиялари тизимида жорий қилиш, шу соҳада янги банк хизматлари учун бизнес жараёнларини ташкил этиш, умуман, банк бизнесининг барча йўналишлари буйича назарий билмаларини амалий кўникмалар асосида мустаҳкамлашга қулай шароит яратилади.

Шунингдек, томонларнинг келишуви банк ходимларининг АКТ ва ахборот хавфсизлиги соҳасидаги билим ва кўникмаларини оширишга ҳам қаратилган. Бу борада иш университетнинг махоратли педагогларини жалб қилган ҳолда ташкил этилиши режалаштирилган.

Таъкидлаш жоиз, Ўзсаноатқурилишбанкда ходимлар малакасини ошириш ҳамда улар захирасини шакллантириш замонавий услубда олиб борилмоқда. Банкнинг қатор нуфузли олий таълим муассасалари билан турли мазмундаги лойиҳаларни амалга ошириши шу йўналишдаги чора-тадбирлар сирасига киради.

Банк Ахборот хизмати

ХАЙРИЯ АКЦИЯСИ

Халқимизга хос азалий қадриятларни улуғлаш, хайрли ишлар қўламини янада кенгайтириш, ногирон ҳамда кам таъминланган оила фарзандларини рабатлантириш мақсадида тизимли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Яққасарой туман ҳокимлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази тўғрисидаги маънавият бўлими, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи туман Кенгаши ҳамда бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида "NEXT" савдо мажмуасидаги "ICE CITY" муз саройига "Саховат марафони" шiori остида тумандаги кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг фарзандлари ва 25-сонли имконияти чекланган ҳамда болалар учун ихтисослаштирилган мактаб ўқувчилари учун саъват уюштирилди.

Юртимизда ёшларимизни маънавий ва маърифий савиясини доимий юксалтириш биринчи даражада вазифа ҳисобланади. Тадбирда бу жиҳатлар алоҳида қайд этилиб, туман Маънавият ва маърифат маркази томонидан ўқувчи-ёшларга китоблар ҳадя қилинди.

Баҳодир ЮСУПОВ,
Республика Маънавият ва маърифат маркази Яққасарой туман бўлими раҳбари

ОИЛА — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Ўзбекистон Давлат филармониясининг "Музыка саройи"да туман ФХДБ бўлими тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда "Ўзбекистон мустақкам оилалар билан барқарор бўлади" мавзусида никоҳланувчи ёшлар иштирокида тадбир ўтказилди.

Тадбирда Яшнобод тумани ҳокими Х.Тиллашайхов, туман прокурори О.Азимов, туман фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими мудириси З.Камалходжаева, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари ҳамда туман ҳудудда истиқомат қилувчи 150 нафар никоҳланувчи ёшлар иштирок этди.

Шу билан бирга тадбирга Яшнобод туманида истиқомат қилувчи 5 нафар намунали оила вакиллари тақлиф этилди. Тадбирда оила қўриш бўсағасида турган ёшларга, шахс, оила ва оилавий муносабатлар масаласи бугунги кунда ўзининг тарихий, маданий, миллий ва умумбашарий қадриятларга эга Ўзбекистон давлатининг равнақи учун катта аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

— Шахсининг шаклланиши, маънавиятнинг таркиб топиши ва ривожланиши оиланинг ўрни беҳисоб бўлиб, жамиятнинг асосий гуруҳи ҳисобланган оила, жамият тараққиёти билан боғлиқ ҳолда ривожланиб боради. Унинг ижтимоий-психологик хусусиятлари, мазмуни, оилавий муносабатларнинг ўзига хослиги мавжуд ижтимоий тузумдаги маъқуравий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий-тарихий, маданий шарт-шароитлар билан ҳам белгиланади, — дейди Яшнобод туман ФХДБ бўлими мудириси З.Камалходжаева. — Ўзбекистонда оила масалаларида давлат сиёсати даражасида қаралиши ҳамда бугунги кунда жамиятимиздаги ҳар бир шахс оила, оиладаги муносабатлар борасида тушунчаларга эга бўлиши лозим. Оиланинг мустаҳкам бўлиши, унинг барқарорлигини таъминлаш, пировардиди "фаровон оила — фаровон жамият" тамойилининг амалий натижасига эришиш учун, аввало, фуқаролар, ота-оналарни тегишли билим ва тушунчалар билан қуроллантириш лозим. Оилани мустаҳкам қўронга айлантириш, Ватан, халқ, миллат орзу-умиди ва мақсадларини, келажагини асрашга ҳар биримиз масъулдиз, энг юксак мақсадлар моҳиятида ҳам ана шу эзгу ният муқаммас. Шундай экан, ҳар бир ота-она оила қуришининг қонуний ва ҳаётий асосларига амал қилган ҳолда икки ёшни ҳақиқий бахт томон йўналтириши лозим.

Тадбирга тақлиф этилганлар ҳам бу борадаги фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтишди.

Ўзаро мулоқот тарзида ўтган тадбир сўнггида ФХДБ бўлими мудириси З.Камалходжаева тумандан тадбирда қатнашган никоҳланувчи ёшларга қўламан ва тарқатма материаллар тарқатилди, шу билан бирга намунали оила вакилларига эсдалик совғалари ва туман ҳокимининг ташаккурномалари топширилди.

Зарина РУСТАМОВА



МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИГА ЭЪТИБОР КУЧАЙДИ

Юртимиздаги маданий мерос объектларини сақлашга оид ишлар кўнгилдагидек-ми? Худудлардаги қурилиш-бунёдкорлик ишлари шарҳларининг ўзига хос тарихий қиёфасига қай тарзда таъсир кўрсатмоқда? Меъморий обидаларни консервациялаш, реставрация қилиш юзасидан ёш мутахассисларнинг касбий салоҳияти етарлими?

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Маданият вазирлиги раҳбарияти ва мутахассислари иштирокида бўлиб ўтган матбуот анжуманида шу каби муаммолар кўтарилди.

Маданият вазирининг ўринбосари Камола Оқилова ва бошқалар маданий мероси асрашга оид миллий қонунчилик замон талабига ҳамохан ўзгараётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 19 декабрдаги "Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида Маданият вазирлиги Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бoш бошқармаси ҳамда унинг минтақаларо (минтақавий) давлат инспекциялари негизида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузурида Маданий мерос департаменти, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ташкил этилди. Департамент қошида тарих, меъморчилик, моддий маданий мерос соҳасида илмий, амалий тажрибага эга бўлган 11 нафар олим ва юқори малакали мутахассислардан иборат Ўзбекистон Илмий-эксперт кенгаши таркиби шакллантирилди. Ма-

даний мерос департаментининг Маданий мерос жамғармаси ташкил этилди. Хукуматнинг 2019 йил 30 майдаги "Сармиссой", "Шаҳрисабз", "Термиз" ва "Қўқон" давлат музейи қўриқоналари фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги қарори қабул қилинди.

Тадким этилган маълумотларга кўра, бугунги кунда моддий маданий мерос кўчмас мулк объектлари сони 8208 тани ташкил этиб, уларнинг 4748 таси минг йиллик тарихий аҳамиятга эга археологик объектлар саналади. Мазкур объектларни давлат муҳофазасига олиш мақсадида 8208 та маданий мерос объектларининг 91 фоиз кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилди. 2292 та моддий маданий мерос объектлари муҳофаза белгилари, маҳаллий ва хорижий сайёҳларга қулайлик яратиш мақсадида 1088 та йўл кўрсаткичи ўрнатилган.

Президентимизнинг мамлакатнинг турли вилоятларига ташрифи давомида берилган топшириқлари асосида қўлаб муқаддас қадимжолар обод этилди. Республика бюджетни ҳисобидан моддий маданий мерос объектларини таъмирлаш-тиклаш ишлари учун ажратилаётган маблағлар микдори йил сайин ортмоқда.

Тадбирда оммавий ахборот воситалари ходимларининг саволларига жавоб қайтарилди.

Назокат УСМОНОВА

Мамлакатимиз бўйлаб "Буюк сиймолар мангу барҳаёт" мавзусидаги адабий кечалар давом этмоқда. Куни кеча Сергели туманидаги 8-мактабда ҳам ана шундай тадбир уюштирилди. Тадбир буюк мутафаккир, ўзбек тилининг асосчиси А.Навоий таваллудининг 579 йиллиги ҳамда Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 537 йиллигига бағишланди. Адабий-муסיқали кечада мактабнинг ўқитувчи ва ўқувчилари фаол иштирок этишди.

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИР

Кези келганда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўзбек халқи маданияти, маънавияти ва адабиёти ривожини бу улуг икки сиймо, лирик шоирларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Чунки беназир иждоқор ёзиб қолдирган бебаҳо маънавий мерос шундай бир туганмас хазинаки, ундан асрлар оша нафақат биз балки дунё жамоатчилиги ҳам кенг фойдаланиб, маънавий озуқа олиб келмоқда.

Мактаб ўқитувчи ва ўқувчиларида катта таассурот қолдирган

тадбирда айни ҳижатлар яна бир бор эътироф этилди. Унда сўз олганлар Алишер Навоий ва Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва ижодига тўхталиб, уларнинг ўз даврида жамият ҳаётида амалга оширган улкан бунёдкорлик ишлари, шоир сифатида битган нафис газаллари, рубоийлари ҳамда бетақдор асарлари ҳусусида фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Кечада мактаб ўқувчилари Навоий ва Бобур қаламига мансуб газал ва рубоийлардан намуналар

ўқиди. Уларнинг сиймоси жонлантирилган сахна кўринишларини намойиш қилишди. Мактаб муносиқа фани ўқитувчиси ва истеъдодли ўқувчилари томонидан Алишер Навоий ҳамда Заҳриддин Муҳаммад Бобур газаллари билан қуйланган ашулалар ижро этиб, газаллардан парчалар ўқигани тадбирни юқори савияда ўтишини таъминлади.

Лола НАБИЕВА, Сергели туманидаги 8-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

САНЪАТНИНГ ЖОЗИБАЛИ ОЛАМИ

Ўзбекистон киносанъати музейига Тошкент шаҳар Маданият Бош бошқармаси тасарруфидати Болалар муסיқа ва санъат мактабларининг театр йўналишида таҳсил олаётган ўқувчилар ва ота-оналар ташрифи ташкил этилди.

Саъҳат аввалида ўқувчилар Ўзбекистон киносанъати музейи, Ёш киножодкорлар лабораторияси, "Мультипликацион фильмлар студияси" билан танишди. Учрашувда болалар кино, мультипликация тарихи, унинг келиб чиқиши ва миллий мультфильмлар ҳақида маълумотларга эга бўлишди.

"Мультипликацион фильмлар студияси" ДУК директори Севара Туляганова ўқувчиларга ўзбек анимацияси тарихи ҳақида сўзлаб берди.

Муסיқа ва санъат мактабларининг театр, раҳсонлик, хореография ва бошқа санъат йўналишида таҳсил олаётган ўқувчиларни ташрифларини уюштиришдан мақсад бугунги кунда миллий мультраҳмон образини яратиб буйича эълон қилинган танлов юзасидан сўхбатла-

шиш, уларни фикрларини, фикрларини билишга қаратилди. Шунингдек, учрашувда Ёшлар иждоий таъриб студиеси раҳбари Иззатилла Саиджаббаров ва Киножоблар иждоий уюшмаси раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Матқуб Матчонов ҳам ўқувчилар билан сўхбат ўтказишди.

Шундан сўнг болажонларга 2019 йил давомида ишлаб чиқарилган миллий мультфильмлар намойиш этилди. Жорий йилнинг 1 мартига қадар болажонлар томонидан миллий мультраҳмон образи юзасидан эскизлар ва гоялар топширилиши маълум қилинди.

Хожияк Борхўжа МАХМУДОВ, Тошкент шаҳар Маданият бош бошқармаси мутахассиси

Давлат божхона кўмитаси Контрабанда ва божхона қонунчилиги бузилишига қарши курашиш бошқармаси, Тошкент шаҳар божхона бошқармаси Контрабанда ва божхона қонунчилиги бузилишига қарши курашиш бўлими ходимлари Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари вакиллари билан ҳамкорликда сифати кафолатланмаган биологик фаол кўшимчаларни олиб киришга бўлган уришниш ўз вақтида бартараф қилишди.

СИФАТСИЗ МАҲСУЛОТЛАРНИ ОЛИБ КИРИШГА УРИНГАН ҚОНУНБУЗАРЛАР "ҚОПҚОН"ГА ТУШДИ

Хусусан, тезкор тадбир давомида "Уфа-Тошкент" йўналиши бўйича кириб келган поезд "Келес" темир йўл чегара божхона постида белгиланган тартибда божхона назоратидан ўтказилди.

Фуқаролар Б.Р. ва К.Б.лар томонидан олиб келинаётган 7 дона жомадонларда 3000 дона "Samyung Wan", 30 377 дона "Montalin" номли биологик фаол қўшимчалар ҳамда 85 дона аёллар кийим кечаклари яширин тарзда олиб келинаётганлиги аниқланди.

Аниқланган товар-моддий бойликларни қабул қилиб олувчи шахсларни

фош этиш мақсадида, тезкор тадбир давом эттирилди.

Тадбир давомида "Тошкент Шимолий" темир йўл вокзалида кутиб турган фуқаролар В.А. ва С.Ф. юкни қабул қилиб, "Дамас" русумли транспорт воситасига юклаётган вақтида ашёвий далиллар билан қўлга олинди.

Аниқланган товар-моддий бойликларнинг умумий қиймати 1 миллиард 38,5 миллион сўмни ташкил қилди.

Ҳозирда юқоридаги ҳолат юзасидан божхона органлари томонидан суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

ПСИХОТРОП МОДДАЛАРНИ ЯШИРИНЧА ОЛИБ КИРИЛИШИГА ЧЕК ҚЎЙИЛДИ

Амалдаги тартибларга кўра, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни почта жўнатмаларида, шу жумладан халқаро почта жўнатмаларида жўнатиш қатъиян тақиқланган.

Аммо шунга қарамай, почта жўнатмалари орқали таркибидан психотроп ва наркотик моддалар мавжуд бўлган дори воситаларини жўнатиш ҳолатлари ҳамон учрамоқда.

Жумладан, Тошкент шаҳар божхона бошқармаси "Бош почта" ташки иқтисодий фаолият божхона пости ходимлари томонидан фуқаролар Х.Н., Д.Ж. ва Б.А. номига хориждан юборилган почта жўнатмалари назоратдан ўтказилганида, унда декларацияда кўрсатилмаган 130

дона таркибидан "псевдоэфедрин" психотроп моддалари мавжуд бўлган дори воситалари ҳамда 50 дона таркибидан психотроп моддалари мавжуд "Фензепам" номли дори воситалари борлиги аниқланди.

Шунингдек, фуқаро Н.М. номига юборилган почта жўнатмасида 11 дона "каннабис" ўсимлигининг уруғлари яширилгани маълум бўлди.

Тошкент шаҳар божхона бошқармаси Ахборот хизмати

Реклама ва эълонлар / Реклама ва эълонлар

"МТРК" "YOSHLAR" телерадиоканали томонидан Шавкат Абдуҷамиллов номига вақтинчалик берилган амал қилиш муддати 06.08.2019 дан 31.12.2019 гача бўлган № 136 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети қошидаги қайта тайёрлаш курсининг 2012 йил 4 март санасидан 10 июнь санасигача бўлган давр учун Одилова Дилором Хусайновнага берилган сертификат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 28.01.2019 йилда № 675501 реестр рақам билан рўйхатдан ўтган "ASIA GRAND LINK" ХК (СТИР 306050654) таъсисчининг 20.02.2020 йилдаги №1 қарорига асосан **ТУГАТИЛАДИ**

Давълор эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида Шайхонтоҳур тумани, Бунёдкор шох кўчаси, 8А-уй, 10-хонадон манзилида қабул қилинади. Телефон: +99890 998-11-48.

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат қорхонаси томонидан Чилонзор тумани, Дўмбробод даҳаси, М.Бобоев кўчаси, 232-мактаб худудида жойлашган "Чилонзор тумани халқ таълими бўлимига" 21.02.2008 йилда 3-90/2008 реестр рақами билан рўйхатдан 10030403020015 рақамли нотурар жойнинг кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилик кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

"101" ХАВФСИЗЛИК ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИНГ

Олов – "тилсиз ёш" дейдилар. Хонадонлар, жамоат жойларида ёнғинга қарши барча ахтиёт чоралари кўриб қўйилиши зарур. Бунда ёнғин ўчирувчилар маслаҳатлари ва қўмағига таяниш муҳим. Хуллас, ёнғиннинг олдини олиш учун ана шу оғат келтирувчи ҳодисага қарши кураш қоидаларига риоя қилиш, газ, электр ускуналаридаги тўғри ва ҳушёрилик билан фойдаланиш зарур. Шундангина биз қўнғилсиз ҳодисаларнинг олдини олган, оила ва давлатнинг зарар кўришига йўл қўймаган бўламиз.

Дилшод ФАЗИЛОВ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати ЁХТЭБ Ёнғин назорати ва профилактика бўйича инспектори, сержант

Кўнғилсиз ҳодиса кимнингдир бепарволиги оқибатида келиб чиқши ҳеч кимга сир эмас.

Аҳоли уйдаги газ ва электр тармоқларида юзага келган носозликларга жиддий қараш, уларни ўз вақтида тузатишларни мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу ўз навбатида ёнғин хавфини анча камайтиради. Бу борада маҳалла фаоллари, профилактика инспекторлари худуд аҳолиси билан ҳамкорликда иш олиб боришса яхши натижаларга эришиш мумкин.

Екубжон ОХУНОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Маъмурий биноларида ЁХТЭБ 1-бўлими асирини Ёнғин назорати ва профилактика мутахассиси, оддий аскар

Ёнғин – оғат. Шу сабаб киши ҳар доим ёнғиндан ахтиёт бўлиши, унинг келиб чиқмаслиги учун зарурий чора-тадбирларни кўриши шарт. Бошқача айтганда, ёнғинлар рўй беришига йўл қўймайлик учун барчамиз доимо ҳушё ва эътиборли бўлишимиз лозим.

Давлат Бошқарув Академияси биноси ёнғин хавфсизлиги бўлимида ҳодимлари ҳам ўзларига бириктирилган маскан ишчи-ҳодимлари ўртасида кенг қамровли тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришмоқда.

Бино ишчи-хизматчилари ўз иш жойлари ва хоналарида ёнғин хавфсизлиги чораларини қучайтириш ёнғин хавфсизлиги ходимларининг асосий вазифаси этиб белгиланди.

Шерзод ИБРАГИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси биносида ЁХТЭБ Ёнғин назорати ва профилактика бўйича инспектори, лейтенант

Албатта ёнғинларни ўчиртишдан кўра, уларнинг олдини олиш афзал экани кўриниб турган ҳақиқат. Озгина бепарволик оқибатида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя эътибори инсон ва унинг атрофидоғиларга, қолверса турар жой ёки давлат биноларига катта моддий зарар етказиши мумкин.

Шу босис ёнғин-атрофидоғилар хавфсизлигини таъминлаш бarchа учун зарурдир. Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш мол-мулкнинг, уй-жойнинг, фаолият кўрсатётган иш жойининг, ҳаётинингизни хавфдан бартараф этиш гаровидир.

Жамолиддин МАХАМАТЖОНОВ, Анжуманлар саройи ЁХТЭБ инспектори, катта сержант

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан жойларда аҳоли ўртасида "тилсиз ёш"нинг олдини олиш бўйича тарғибот-ташвиқот бўйича ўчиртувчилар ўтказиб келинмоқда.

Амалга оширилаётган тадбирлардан қўланган мақсад аҳоли ўртасида ёнғинга қарши курашни қучайтириш, аҳолини жалб қилишдан иборатдир. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, "тилсиз ёш" билан курашиш факатгина ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг иши эмас. Бу ҳар бир фуқаронинг бурчидир.

Гулҷехра ШАРПИПОВА, ЁЗМТРК ФВБ Ёнғин назорати ва профилактика бўйича инспектори

Фуқаролардаги лоқайдлик ва бефарқлик туфайли ҳамон ёнғинлар сони кўпаймоқда. Ёнғин оқибатида инсонларнинг ҳаётдан кўз юмиш ҳолатлари ҳам учраб тургани ҳеч кимга сир эмас.

Аҳоли кўп йиғилган маканларини профилактик кўридан ўтказиш, мавжуд камчиликлар ҳақида маълумотга эга бўлиш ҳам ёнғинларнинг олдини олишга хизмат қилади. Мазкур профилактик кўриқларни ўтказиш бевосита маъсул ходимлар иштирокида ўтказилиши ва берилган кўрсатмаларга амал қилиниши, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига жиддийроқ қарашга, ёнғинни келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф этишга ундайди.

Шу ўринда ҳамшаҳарларимизга "Оғоҳлик – давр талаби" эканини эслатиб ўтиш жоиз.

Тоҳир ИСМОИЛОВ, ФВБ ЁН ва ПБ мутахассиси, оддий аскар

Халқ мулкани авайлаб-асраш борасида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришни тақозо қилади. Лекин шунга қарамай ёнғин ҳолатлари учраб турибди.

Уларимизда ёш болаларни қаровсиз қолдириш, уларга гуғурт билан ўйнашларига йўл қўймайлик, газ ва электр мосламаларида тўғри фойдаланиш, ёнғин чиққан ҳолда тезлик билан "101" рақамига манзилни тўлиқ айтган вақтда хабар беришларини сўраб қоламиз.

Дилшод МИРАЛИМОВ, "Маърифат маркази" ЁХТЭБ инспектори, катта сержант

Аҳоли ўртасида учрашувлар ўтказишдан асосий мақсад ёнғинлар, ис газидан захарланиш ҳамда инсонларнинг ҳалок бўлиш ҳолатларининг олдини олишга қаратилмоқда.

Лекин шунга қарамадан ис газидан захарланиш ҳолатлари кўпайиб кетмоқда. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда Бектемир тумани ФВБ ходимлари тегишли ташкилот ва маҳалла фуқаролар йиғини раислари, фаоллари билан биргаликда туман секторларида жойлашган Роҳат, М.Авезов, Чашма, Олтинтопан кўчаларида жойлашган аҳоли яшаш уйлари ҳамда ижтимоий соҳа ҳамда иқтисодий объектларда ёнғин хавфсизлиги ва хавфсизлик ҳолати ўрганиб чиқилмоқда.

Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилинади турли қўнғилсизликлар юзага келмаслигини яна бир бора эслатиб ўтамиз. **Нурбол МАМОНОВ,** Бектемир тумани ФВБ инспектори, катта сержант

Кўп ҳолларда ёнғинларнинг юз беришига ўзимиз сабабчи бўлиб қоламиз. Мана шу бепарволигимиз оқибатида аса кўплай ноҳушликлар келиб чиқади.

Ёнғин – инсонлар ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солувчи, моддий бойликларни йўқ қилиб ташлашни билан бирга кечувчи, назоратдан чиқиб кетган ёнғин жараянидир. Кўриниб турибдики, халқ мулкани "тилсиз ёш"дан муҳофаза қилиш, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш муҳим омилдир. Бу ишда нафақат ушбу соҳа ходимлари, балки ҳар бир фуқаро фаол иштирок этиши мақсадга мувофиқ.

Музаффар Қўлдашов, Мирзо Улугбек ФВБ ДЕН ходими, майор